



Қахрамонлик мадҳияси

ёхуд Мангуберди муҳаббати

— Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларидаги саволлар юзасидан шикоят аризаси ёзиш тартиби қандай?

4-саҳифага

Bolalarga kitob
nima uchun kerak?

Astrid Anna Emiliya Lindgren (1907-2002) — shved yozuvchisi. Bolalar uchun dunyoga mashhur qator asarlar yaratgan. Jumladan, barchamizga ma'lum "Mittivoy va Karlson" asari muallifi.

Кейинги сонларда



YOSHILAR OVOZI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

№ 59 (16364)
24-iyul, CHORSHANBA

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

www.yoshlarovoz.uz yoshlarovoz@mail.uz @yoshlarovoz

Yoshlar ittifoqi loyihalari

Тарғиботнинг янги даври бошланди



Тахлиллар Ёшлар иттифоқи фаолияти тобора кенгайиб, жамиятда ёшлар муаммоларини ҳал этишга чуқур ёндашаётганини, ўғил-қизларнинг кўнглига йўл топиш, рағбатлантириш билан чекланиб қолмай, уларда ижтимоий масъулиятини кучайтиришга, ҳаётга бўлган қарашларини тўғри томонга ўзгартиришга эришаётганини кўрсатмоқда. Бу иттифоқ тизимида тарғибот-ташвиқот ишларининг янги даври бошланганидан далолат беради. Жойларда ўтказилаётган сарҳисоб ва тажриба алмашув тадбирлари натижалари ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

"Барчаси ўз кўлингда!"

Вояга етмаган ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини кучайтириш муҳим вазифа ҳисобланади. Бу борадаги ишлар сонини эмас, сифатини ва самарасини ошириш бўйича Ёшлар

иттифоқи жойларда ҳар ойнанинг охириги ўн кунлигида "Барчаси ўз кўлингда!" тарғибот декадасини ўтказмоқда. Декада режасига кўра, тарбияси оғир, жиноят содир этган ёшлар намунали фуқароларга бириктирилмоқда. Утган вақт мобайнида бажарилган ишлар-

ни танқидий таҳлил этиш, келгусидаги вазифаларни белгилаш, ёшларнинг ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини, сайловлардаги ролини ошириш мақсадида Жиззах вилояти Зомин туманида "Барчаси ўз кўлингда!" тарғибот декадасининг 2019 йил 1-ярим йиллик сарҳисоби ва ўқув семинари ташкил этилди.

Семинарда Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг Ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш ва ҳуқуқий тарғибот бўлимлари мудири, бош мутахассислари, Жиззах вилоятидаги олий таълим муассасалари бошланғич ташкилотлари етакчилари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, бош мутахассислари, бошланғич ташкилотлари етакчилари ҳамда соҳа билан боғлиқ ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимлари иштирок этди.

— Тарғибот декадаси доирасида туман ва шаҳарларда 10 нафардан ёшлар етакчилари, ҳарбий хизматдан қайтган ёшлар, ҳуқуқшунос мутахассис иштирокида "Фидокор ёшлар" патруль гуруҳлари шакллантирилди, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Бегмат Очилов. — Гуруҳлар 4 минг 210 та таълим муассасаси, 980 та қорхона, 970 та ҳарбий қисм, 3 минг 784 та маҳалла ва чекка овулларда "Жиноятни жилавланган лозим", "Ёшлар жиноятчилик оламини қарши", "Ҳоким ва ёшлар", "Депутат ва ёшлар", "Биз коррупцияга қаршимиз" каби мавзуларда 1 миллион 450 минг нафар ёш иштирокида 8 минг 324 та тарғибот тадбирлари ўтказди. Ички ишлар идоралари ва Миллий гвардиянинг 1 минг 750 нафар ходими ҳамда 7 минг 600 нафар кўнгилли ёшлардан иборат "Фидокор ёшлар" патруль гуруҳлари иштирокида 10 минг 314 марта тунги рейд тадбирлари, таълим муассасаларида 3 минг 889 марта "Ўқувчи", "Тит" профилактик тадбирлари ўтказилди. 3 минг 283 нафар вояга етмаганлар ва уларнинг ота-оналари билан тушунтириш ишлари олиб борилди, 890 нафар ўғил-қиз таълимга қайтарилди.

Олдин бунақаси бўлмаган!



• Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази психологлари тарбияси оғир, жиноят содир этишга мойил ҳамда ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчи 4 минг 570 нафардан зиёд ёшлар билан яқна тартибда суҳбатлар ўтказди.

• Профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганларнинг 7 минг 655 нафар ота-оналари, вояга етмаганлар билан бевосита ишловчи 10 минг 652 нафар педагог ва алоҳида эътибор талаб қилувчи 9 минг 791 нафар вояга етмаганлар учун 1 минг 432 марта психологик тренинг ташкил этилди.

• Жиноятчиликка мойиллиги бор ёшлар учун 1 минг 178 марта та тиббий кўрик қилиниб, 7 минг 264 нафар ёш соғломлаштирилди.



• Ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, пировардда ҳуқуқбузарлик ҳолатларини камайитириш мақсадида "Ёшлар ва қонун" ҳуқуқий танлови ўтказилди. Танловга 8 минг 973 та таълим муассасасидаги 1 миллион 987 минг 586 нафар ўқувчи қамраб олинди.

• Давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, сенатор ва депутатларнинг ёшлар муаммоларини эшитиш, ҳал этишга кўмаклашиш тизимини йўлга қўйиш, ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий фаоллигини ошириш мақсадида 654 марта "Ёш депутат", "Депутат ва ёшлар", "Сенатор ва ёшлар", "Ҳоким ва ёшлар", "Сектор раҳбарлари ва ёшлар", "Прокурор ва ёшлар", "Суд ва ёшлар" тадбирлари ўтказилди. Уларда билдирилган тақлифлар, фикр-мулоҳаза ва саволлар мутахассислар томонидан кўриб чиқилди.



• Республика миқёсидаги жами 58 та жазони ижро этиш муассасасига тегишли ташкилот раҳбарлари, маданият ходимлари ва турли соҳа вакилларининг таширлари ташкил этилди. Муассасалар кутубхоналарига 830 та китоб совға қилинди.

Давоми 2-саҳифага.

Аbiturient - 2019

Ҳаммани ҳаяжонлантирган имтиҳонлар



Юртимиз олий ўқув юртларида 27 та таълим йўналиши бўйича ҳужжат топширган абитуриентлар учун ижодий (қасбий) имтиҳонлар бўлиб ўтди.

Бир неча кун мобайнида бўлгуси журналистлар, архитекторлар, психологлар, ҳамширалар, музейшунос ва иломшунослар малакалик экспертлар олдида қасбий лаёқатини намоён этди. Бундай ёндашув йигит-қизларнинг ижодий салоҳиятини, танлаган касбига садоқатини ҳамда тафаккур доирасини аниқлаш, психологик ва эмоционал ҳолатини баҳолаш имконини беради. Пировард натижада эса номзодларнинг энг муносибларини ўқишга қабул қилиш мумкин.

Шу кунгача 10 минг нафардан ортиқ йигит-қиз суҳбат, ёзма ва ижодий иш, спорт нормативларини бажариш кўринишида ижодий (қасбий) имтиҳондан ўтди. Олдинда уларни

тест синовлари кутмоқда. Айни ҳолатда тест фақат иккита фандан топширилади. Эслатиб ўтамай, юртимизда тест синовларисиз, фақат ижодий имтиҳон асосида ўқишга қабул қилиш тартиби ҳам жорий қилинган. Бундай имконият Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, педагогика университетларида таълим олиш истагини билдирган абитуриентларга берилади. Улар учун имтиҳонлар 25 июль кунини бошланади.

Eshitdingizmi?

Европадан 4 та бронза

Лондонда 112 мамлакат вакиллари иштирокида ўтказилган математика бўйича халқаро фан олимпиадасида Бухоро давлат университети қошидаги Қорақул академик лицейи ўқувчиси Жасурбек Имомов (суратда) бронза медалини қўлга киритди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахборот хизмати хабар беради.

60-халқаро математика олимпиадасида 600 нафардан зиёд йигит-қиз ўз билимини синовдан ўтказган. Уларнинг олти нафари ўзбекистонлик.

Яна бир хушхабар Будапешт шаҳридан етиб келди. 20 июль кунини бу ерда биология фанидан 30-халқаро олимпиада якунланди. Унда 78 давлатдан 285 нафар иктидор соҳибни қатнашган. Терма жамоамиз аъзолари — Навоий давлат қончилиқ институти қошидаги академик лицейи ўқувчиси Хусейн Эгамов ҳамда Тошкент педагогика институти қошидаги академик лицейида таълим олаётган Сайдахон Валижоннова ва Хосиятхон Қудратова Венгриядан бронза медаллари билан қайтди.

Яқинда 4 нафар ўқувчимиз кимё фанидан халқаро олимпиадада қатнашиш учун Париж шаҳрига жўнаб кетганди. Беллашув натижалари 30 июлда эълон қилинади.

Н.БАҲОДИРОВА

Юмшоқ куч ундан фойдаланиб кўрганмисиз?

Dobzar mavzu



Давлат жамиятни нафақат бошқариши, балки одамлар билан мурося қила олиши ҳам керак. Иккинчиси кўпгина муаммолар ечимига хизмат қилади. Демак, мажбурлаш ёки кўрқитишдан кўра, келишиш ва кўндириш минг чандон афзал. Бунинг учун маъмурий-буйруқбозлик усули юмшоқ кўрсатмаларга алмаштирилса кифоя.

Замонавий истилоҳда бундай ёндашув "туртки бериш нақарияси" (инглиз тилида "nudge theory"), деб юритилади. Уни америкалик иқтисодчи, Чикаго университети профессори Ричард Талер яратган. 2017 йилда олим мазкур соҳадаги изланишлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлди.

Давоми 2-саҳифага.

Тарғиботнинг янги даври бошланди

Бошланиши 1-саҳифала

• Бу йил мамлакатимизда 2 миллион ёш сайловларда илк бор иштирок этади. Шу боис Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши ҳамда Марказий сайлов комиссияси ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида "Сайлов — менинг ҳуқуқим", "Мен сайловга тайёрман" каби мавзуларда 35 марта ҳуқуқий тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

• Бу йил илк бора ИИБ Жазони ижро этиш бош бошқармаси ҳузуридаги Пробация хизмати билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилиб, назоратда турган ёшлар муаммоларини ҳал этиш мақсадида (2 минг 16 нафар ёш, шундан 211 нафари аёллар) "Синовдан юксалишга қатъий қадам" мавзусида 22 марта очик мулоқот ўтказилди. Тадбирларда 269 та мурожаат билдирилган бўлса, шундан 162 та муаммо, 48 нафар ёшнинг бандлик масаласи ҳал этилди, 55 нафар ёш касб-хунар ва чет тиллари тўғрақларига жалб этилган.

• "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳлари аъзолари билан тизимли ишлаш, уларнинг билимларини мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Фарғона, Андижон вилоятларидаги Ёшлар марказида синов тариқасида "Фидокор ёшлар" жамоатчилик патруль гуруҳи хоналари ташкил этилди.

• Фарғона вилоятида синов тариқасида жиноятчиликка мойил, ички ишлар органлари рўйхатида турувчи ёшларнинг электрон базаси шакллантирилиб, уларнинг хатти-ҳаракати билан онлайн шуғулланиш, назорат олиб боришнинг инновацион тизими яратилди.

2019 йилнинг 1-ярим йиллик ҳолатига кўра, вояга етмаганлар ва ёшлар жиноятчилиги камайган. Жумладан, 3 минг 956 та жиноятчилик содир этилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга, вояга етмаганлар жиноятчилиги эса ўтган даврга нисбатан 29,6 фоизга

камайган. Кўрсаткич Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Наманган, Жиззах, Бухоро, Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида пасайган бўлса, тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилмагани, вояга етмаганлар жиноятчилигини жиловлаш ишлари самарасизлиги сабабли Тошкент вилоятида ўтган йилги рақамлар тақрирланган.

Республика миқёсида вояга етмаганлар жиноятчилиги тахлил этилганда, номуфта тегиш 1 тадан 5 тага, босқинчилик 4 тадан 8 тага, ғиёҳвандлик 2 тадан 4 тага қўлайгани маълум бўлди. Тошкент шаҳрида оғир тан жароҳати етказиш 2 тага, босқинчилик 4 тага, бошқа жиноятлар 3 тага ошган. Тошкент вилоятида қотиллик 2 тага, безорилик 2 тага ошган бўлса, 1 та номуфта тегиш, 1 та босқинчилик, 21 та ўғирлик ҳолати содир этилган.

Семнарда баъзи ҳолларда декада доирасидаги тадбирлар асосан марказ жойларда ташкил этилаётгани, баъзи туман ва шаҳарларда лойиҳадан ИИБ, Миллий гвардия ходимлари ҳам беҳабар экани танқид қилинди.

Фарғона тажрибаси: ёшлар бандлиги таъминланмоқда

Президентимиз шу йил 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида ёшлар билан ишлаш



"Yoshlar — kelajagimiz" davlat dasturi orqali:



бўйича "Фарғона тажрибаси"ни яратиш масаласида топширик берган эди. 20-21 июль кунлари Фарғона вилоятида ёшлар бандлигини таъминлаш концепциясини бажарилишини кенг тарғиб этиш мақсадида "Ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича Фарғона вилояти тажрибаси" мавзусида ўқув семинари ўтказилди.

Семинар иштирокчилари Фарғона шаҳридаги "Ёшлар инновацион маркази", Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номи истироҳат боғи, музей ҳамда ижод мактаби, ипак маҳсулотлари ишлаб чиқаришига ихтисослаштирилган "Ёдгорлик" МЧЖ фабрикаси, "Said Ceramics" кулчулчилик мактаби, Пир Сиддик зиратхона, Саид Аҳмадхўжа мадрасасида бўлди. Сўнгра "Фарғона вилоятида ишсиз ёшлар ҳисобини электрон юритиш тизими", "Ёшларнинг тадбиркорликка жалб қилиш орқали бандлигини таъминлаш тизими" ҳамда "Ёшлар — келажакимиз" жағғармаси фаолияти", "Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркалари орқали ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари", "Ёшларни касаначилик ва хунармандликка жалб этиш" мавзуларида тақдимот ўтказилди.

Мухокамаларда ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича намунали ҳудудлар тажрибаси ўрганилди, дастур ижросида камчиликларга йўл қўйган туман (шаҳар)ларга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳудудий Кенгаши раисларининг биринчи ўринбосарлари амалий кўмак бериш учун бириктирилди.

Ҳудудий кенгашлар вакиллари иштирокида ёшлар бандлигини таъминлаш, ишсиз ёшларни касб-хунарга йўналтириш, устоз-шогирд аъёнаси асосида хунармандликка жалб қилиш, "Ҳар бир ёшга бир гектар" лойиҳаси натижадорлигини ошириш юзасидан мухокамалар ташкил этилди. Таклифлар асосида "Ёшлар бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар самарадорлигини ошириш йўл хараитаси" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

— Вилотимизда ишсиз ёшларни аниқлаш мақсадида уйма-уй юриб сўровномалар ўтказилганда 46 минг 174 нафар вақтинча ишсиз ёш борлиги аниқланди, — дейди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Фарғона вилояти кенгаши раиси Аҳаджон Акбаров. — Бу ёшларнинг электрон базаси шакллантирилиб, уларни иш билан таъминлаш ёки

Фарғона вилоятида ёшлар бандлигини таъминлаш концепцияси Манзилли режа бўйича:

1 минг 846 нафар ёш хунармандликка;



1 минг 985 нафар ёш касаначиликка жалб этилади;

4 минг 234 нафар ёш "Ҳар бир ёшга — бир гектар" лойиҳаси орқали;

1 минг 480 нафар ёш деҳқон хўжаликлари ва томорқаларда;



2 минг 354 нафар ёш меҳнат ярмаркаси орқали иш билан таъминланади;

23 минг 200 нафар ёш 567 та касб-хунар тўғрақларида ўқитилади.



касб-хунарга йўналтириш бўйича вилот ҳокимлиги ҳамда 19 та туман, шаҳар ҳокимликлари ҳузурида штаблар фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир ёшларнинг 10 мингдан зиёди ҳудудлардаги Ёшлар марказларига қамраб олинди. 1 минг 920 нафари хунармандлик, 1 минг 656 нафари касаначилик асосида иш билан таъминланди. Меҳнат ярмаркаларида 2 минг 447 нафар ёш ўзига муносиб иш топди.

Президентимиз илгари сурган бешта муҳим ташаббус доирасида вилотда 67,7 миллиард сўмлик 214 та лойиҳа ишга туширилди. Натижада 3 мингдан ортиқ ёш иш билан таъминланди. Фарғона шаҳрида "Ёшлар инновацион маркази", Бувайда туманида Ёшлар маркази, Риштон туманида "Ёш хунармандлар маркази" ва "Ёшлар меҳнат гузари" барпо этилиб, фойдаланишга топширилди.

Кўштепа туманида замонавий Ёшлар маркази барпо этилиб, 5 мингта китоб фондига эга янги кутубхона, "Ёш ақиячилар мактаби", хорижий тиллар тўғраги ва "IT академияси маркази" очилди. Бувайда туманидаги "Ёшлар боғи"да беш ташаббусни ўз ичига олган 5 та бекаб фаолияти йўлга қўйилди. Илк бор Ёшлар маркази қошида очик турлаган "Street Workout" спорт комплекси ташкил этилди.

Рўзиқул ОЧИЛОВ

Ишсиз ёшларни назорат қилишнинг электрон тизими:

Ишсиз ёшлар ҳақидаги маълумотлар базаси (мутахассислиги, касб-хунари, алоқа манзиллари) Call Center оператори, мобил иловалар, телеграм бот канали ва ёшлар етакчилари томонидан уйма-уй юриб шакллантирилади.

Телеграм бот орқали ишга жойлаштириш:

мутахассислар ва бўш иш ўринлари рўйхати тақдим этилади; ишчилар, уста-хунармандларга истаган жойдан иш топшиш имконияти пайдо бўлади; иш қилдириш учун сарф-харажатлар икки баробарга қисқаради.

SMS-хабарнома орқали ишга жойлаштириш:

меҳнат ярмаркалари тўғриси-


да SMS-хабар юборилади; ишсиз ёшларнинг тўғрақларидаги иштироки онлайн кузатиб борилади ҳамда "Устоз-шогирд" аъёнаси асосида бириктирилган хунармандлар рўйхати юборилади; электрон база хусусий меҳнат агентликлари билан интеграция қилинади.

Электрон тизимнинг афзалликлари:

ёшлар тарбиясига масъул раҳбарлар фаолияти мунтазам назорат қилинади; таъши миграция ҳолатини кузатиш имконияти пайдо бўлади; ёшларни касб-хунарга йўналтириш назоратга олинади; ишсиз ёшлар ҳақида аниқ маълумотлар тўпланади.

Янги инфратузилмалар:

- 1000 нафар ёшга "Ҳар бир ёшга — 5 асалари уяси" лойиҳаси; Марғилон шаҳри ва Риштон туманларида "Ёш хунармандлар кластерлари";
- Езёвон туманида "Ёшлар массиви" ҳамда "Ёшлар агрокластерлари";
- 1 минг 31 та маҳаллада "Тадбиркорлик маслаҳат маркази";
- Кувасой туманида "Ёшлар саноат зонаси"; Богдод туманида касаначилик асосида парранда (жува) бериш амалиёти;
- Фарғона туманида "Ёшлар анорчилик агрокластери" ташкил этилади.



Бошланиши 1-саҳифала.

Талер инсон ақли мавжудот бўлишига қарамай, ўз хатти-ҳаракатлари ва қарорларида ҳамма вақт ҳам оқилона йўл тутмаслигини исботлаб берди. Ваҳоланки, анъанавий иқтисодиётда бунга тамоман тесқари қараш ҳукмон. Яъни шу чоққача инсонга рационал индивид сифатида қаралган.

Туртки бериш назарияси эса тез орада ушбу фикрни чиппақка чиқарди. Чиндан ҳам реал ҳаётда биз билиб-билмай мантиққа зид ишлар қилиб қўйишимиз мумкин. Масалан, автомобиль сотиб олмақчи бўлган онла унинг русуми, ҳажми ва рангини олдиндан ўйлаб қўйганига қарамай, негадир харид вақтида мулақо бошқа тўхтамаг келди. Шунга ўхшаш ҳолатлар жуда кўп. Бундай жумбоқли психология илмида "қизиқишга асосланган иқтисодиёт" тушунчасининг пайдо бўлишига туртки берди.

— У дунёнинг 160 дан зиёд мамлакатига мавжуд, — таъкидлайди сиёсий фанлар доктори, дипломат ва психолог Алишер Файзуллаев. — 30 дан ортиғида туртки бериш назарияси давлат бошқаруви секторида жорий этилган ва бу бўйича махсус тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. АКШ, Буюк Британия, қатор Европа мамлакатлари мазкур метод ёрдамида юқори натижаларга эришди. Мактаб ўқувчиларида соғлом овқатланиш кўникмасини шакллантириш, солиқ тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этиш, кўчаларни чиқиндилардан тозалаш, йўл ҳаракати қоидаларига иттиқорликни қучайтириш каби ижтимоий аҳамиятга молик долзарб масалалар ижобий ҳал этилган. Демак, "юмшоқ" кўрсатмаларини Ўзбекистонда ҳам бемалол таъбиқ этса бўлади. Шу мақсадда БМТ Тараққиёт дастури "Самарали давлат бошқаруви ҳамда рақамли трансформация жараёнларига кўмаклашиш" лойиҳаси-

Юмшоқ куч ундан фойдаланиб кўрганмисиз?

ни ишлаб чиқди. Унда ўзим ҳам иштирок эттиман. Психолог ва социологлар билан биргаликда юртимиз шароитида туртки бериш назариясини синовдан ўтказмоқчимиз.

Лойиҳа давлат бошқаруви органлари ва нодавлат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Тадқиқот мавзусини маҳаллий бенефициарларнинг ўзи танлагани маълум. Давлат хизматчиларини бундай имкониятдан хабардор этиш мақсадида БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда "Туртки бериш назариясининг давлат секторида қўлланилиши" мавзусида давра суҳбатини ташкил этди. Иштирокчилар вазирлик қошидаги Инновациялар ва бошқарув ечимлари лабораториясига таклиф этилди.

Икки соатлик муҳокама давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Адлия ва Инновацион ривожланиш вазирликлари, "Махсустрас" давлат унитар корхонаси вакиллари, шунингдек, бир қанча журналистлар туртки мамлакатларда қизиқишга асосланган иқтисодиёт методлари қандай қўлланилаётганига доир фойдали маълумотлар олди. Алишер Файзуллаев ўз тақдиротида аниқ мисолларга мурожаат қилди.

— Туртки бериш назарияси танлов архитектура, деб ҳам аталади, — қайд этди олим. — Сабаби у жамиятни бирон харақати бажаришга мажбурламайди. Билмак, одамларга муайян ҳолатнинг ўзлари учун фойдали жиҳатлари кўрсатилади, ҳоло. Лекин пиравард натижада сиз тўғри қарорни қабул қиласиз. Масалан, бир неча йил аввал Британия мактабларида шундай эксперимент ўтказилган. Ўқувчилар витаминларга бой мевалар, сабзавотли салатларни кўпроқ истеъмол қилиши учун бундай махсулотлар пештахтанинг энг олди қаторида — кўз ташадиган ва қўл етadиган жойга териб қўйилиб, яшил чирок билан ёритилган. Организ-

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРТКИ БЕРИШ НАЗАРИЯСИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

мни захарловчи газли ичимликлар, дудланган колбасага ўхшаш егуликлар эса орқа планга сурилган ва уларга оғоҳлик белгиси — қизил нур йўналтирилган. Самара қутқилган ҳам аяло бўлиб чиқди. Эътиборлиси, ташаббусни рўёбга чиқариш учун ҳеч қанча маблаг ва куч сарфлангани йўқ. Фикримизча, худди шу ёндашув асосида юртимизда, айтайлик, ер усти пиёдалар ўтиш жойларида хавфсизликни таъминлаш, сувни тежаш ёки коммунал тўловлар тизимини тартибга солиш мумкин.

Давра суҳбатига бошқа вариантлар ҳам таклиф қилинди. Масалан, "Махсустрас" ДУК директори Раҳматилла Қаршиев Тошкент шаҳридан кунига 1,5-2 минг тонна (40-50 вагон!)гача манйиш чиқинди олиб кетилаётгани ҳамда мавжуд полигонлар даярли тўлиб қолганини инобатга олиб, туртки бериш методи ёрдамида фуқароларга чиқиндиларни ажратишни ўргатиш заруригини қайд этди. Адлия вазирлиги масъул ходими эса "юмшоқ куч" давлат секторида коррупция ва бюрократия билан курашишда асқатишига умид боғлади. Аҳолининг китоб ва босма даврий нашрларга қизиқишини ошириш масаласи ҳам ўртага ташланди.

Энди лойиҳа ташаббускорлари олинган таклиф-мулоҳазаларни тахлил қилиб, қисқа муддатли пилот лойиҳалар учун учта энг муносиб мавзун тандаб олиши керак.

Наргиза УМАРОВА

E'tirof

Ҳоким ёшларни тақдирлади

Фарғона вилояти ҳокимлигида бир гуруҳ иқтидорли, ташаббускор ёшлар тақдирланди. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлашда фаол иштирок этган ўғил-қизларга вилот ҳокимининг махфий ёрлиғи, компьютер, планшет каби қимматбаҳо совғалар топширилди.

Маросимда вилотий ҳокими Шухрат Ғаниев сўзга чиқиб, келажакка, қатта ҳаётга қадам қўяётган, олий таълим муассасаларига киришга чоғланган ёшларга омад тилади.

Тадбир сўнгида вилот ҳокими бешта муҳим ташаббус доирасида янги гоилар, ташаббуслар бўйича Ёшлар мурожаатномасини қабул қилиб, шу бўйича ўз ташаббускорлиги, инновацион гоилари, амалий харақатлари билан фаол қатнашган беш нафар ёшга Фарғона шаҳрида янги очилаётган Жанубий Корейнинг Халқаро Сеожонг университети филиалида бепул таълим олиш учун йўлланма берилишини эълон қилди. Танлов 25 августда якунланди.

Гулрузсор ХУДОЙБЕРДИЕВА

Ҳаммани ҳаяжонлантирган имтиҳонлар

Бошланиши 1-саҳифала.

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетига бу йилги ижодий имтиҳон ўзига хос тарзда кечди. Университетга ҳужжат топширган 1 минг 200 нафардан зиёд абитуриент дастлаб озғак суҳбатдан ўтказилди. Бунинг учун матбуот ва интернет нашрлари, теле ва радиоканаллар, шунингдек, давлат органларининг ахборот хизматларида фаолият кўрсатаётган тажрибали журналистлар, халқаро шарҳловчилар, ҳаёт блогерлар таклиф этилди. Университет ректори, таниқли журналист Шерзод Қудратхўжаевнинг айтишича, бундай эксперимент, авваламбор, бўлгуси журналистларни амалиётчининг "чигирини"дан ўтказиш, уларда танланган касбига меҳр ва иштиёқ бор-йўқлигини аниқлаш мақсадида қилинди.

Ижодий имтиҳонда ҳар бир абитуриент соҳа мутахассислари билан ўн дақиқа давомида яқма-яққа суҳбатлашиш имконига эга бўлди. Саволлар характер, қўлама ва мураккаблик даражасини имтиҳон олувчиларнинг ўзлари белгилади. Четдан биров аралашгани йўқ! Газета ва журналларда ишлари эълон қилинган ёхуд аудиовизуал материаллари бор ижодкорларнинг меҳнати алоҳида инобатга олинди.

Навбатдаги босқинча абитуриентлар эссе ёзди. Йигит-қизлар бешта мавзудан биттасини танлаб, уни уч соат мобайнида очиб бериши керак эди.

Имтиҳон мавсуми кизгин паллага кирмоқда. Олдинда бизни ҳаяжонли август кутиб турибди. Талаба бўлиш масъулиятини машаққатларига тайёр туриб, синовга жиддий тайёрланган ука-сингилларимизга омад ёр бўлсин!

Рохатой ҚОДИРОВА



» Muvaffaqiyat sirlari

Buyuk maqsad bilan yashang!

Javlonbek OTAXONOV — biznes trener, konsultant. Ikki yuzga yaqin o'quv dargohlarida maqsadni aniq belgilash, shaxsiy rivojlanish va biznesga oid mavzularda seminar-treninglar o'tkazgan. 22 yoshida ilk xususiy korxonasini ochgan. 26 yoshida "Networking" (biznes aloqalari tarmog'i) tizimida faoliyat olib borib, bir necha yuz million so'mlik tovar aylanmasiga ega jamoaga yetakchilik qilayotgan tadbirkor. 2014-yildan "SHAXSIY RIVOJLANISH VA MUVAFFAQIYATLAR" trening kompaniyasi hamda "SMART ADVICE" konsalting markazini boshqarib keladi. "IMRON FILMS" kinostudiyasi hamda "JO STARS" san'at maktabi asoschisi.

KELAJAKDAGI ENG KATTA MAQSADI: komil inson sifatida shakllanish, yurtdoshlarimiz hayoti yanada farovonlashishiga o'z hissasini qo'shish.

MUVAFFAQIYAT KALITI

Avvalambor, hayotdagi maqsadni aniqlab olish lozim. Sizga aynan qaysi soha zavq beradi, kelajakda qaysi sohaga o'zingizni bag'ishlamoqchisiz, shunga tayyormisiz? O'n, yigirma, o'ttiz yildan so'ng qaysi sohada o'zingizni ko'rasiz? Shu savollarga javob topgandan keyin sizda ko'tarinkilik, kuch-g'ayrat paydo bo'ladi. Maqsadingiz, sevgan kasbingiz sari har kuni intila boshlaysiz. Bu zavqli mashg'ulotga aylanadi va shu orqali o'z ustingizda ishlaysiz. Tinimsiz kitob o'qiydigan, shaxs sifatida o'sasiz. Aynan o'zingiz tanlagan sohaga taalluqli buyuk shaxslar, katta-katta muvaffaqiyatga erishgan insonlarni uchratasiz. Ulardan o'rganasiz.

TADBIRKORLIK ORZUSINING TUG'ILISHI

Dadam o'qituvchi, iqtidorli bolalar litseyida dars berardi. Onam jurnalist. Esimda, birinchi sinfda o'qirdim. Ukalarim hali kichkina, onam farzand tarbiyasi bilan mashg'ul, dadam esa uzoq tumanga paxta terimiga ketgan. Haftada bir marta ozroq pul, oziq-ovqat jo'natib turardi. Onam bir kuni "Javlonbek, uyda non yo'q. Pulimiz ham yo'q. Dori qutichasida turgan sistema, shprisrlarni kasalxonaga olib borib sotib kel", deb qoldi. Yaqindagina ukam kasal bo'lib, davolangan, o'shanda sistema va shprisrlar ortib qolgan edi. To'rt kilometrga piyoda yurib, kasalxonaga keldim va shprisrlarni sotishga urindim. Dadam uzoqda, ukam kasal, uyimizda esa non yo'qligini do'xtir xolaga tushuntirishga harakat qildim. U meni tushundi, qo'lindagilarni olib, menga pul berdi. Bu mening birinchi sotgan narssam edi. Unga

pul bilan kelganimda onam yig'lab yubordi. Shundan keyin menda ota-onamning og'irini yengil qilish, pul topish, nimadir sotish istagi tug'ilgan. Birinchi sinfda choy sotishni boshlaganman. Ikkinchi sinfda o'qiyotganimda bloknot... sekin-sekin shu sohaga qiziqish boshlangan.

ILK QADAMLAR

Biznesni endi boshlagan paytda ancha qiynalganman. To'siqlar, qiynchiliklarni yengib o'tish uchun bir nechta xorijiy tillarni o'rgandim. Ijroiy psixologiya, shaxsiy rivojlanish va biznes asoslari yo'nalishidagi turli xalqaro seminar-treninglarda ishtirok etdim. Yurtimiz hamda jahon miqyosidagi etduli biznes trenerlardan saboq oldim. Ravshan Xonniyoz, Pyotr Osipov, Bodo Shefer, Nikolay Mrachkovskiy, Jek Kenfield, Braylan Treysi shular jumlasidan.

« PULIMNING MIQDORI KAMLIKI YOKI KO'PAYGANI MOLIVAVIY BILIMIM QANDAYLIGINI BELGILAYDI.

Tadbirkorlik falsafasini anglashga urindim. Yosh tadbirkorlarning bugungi kunda og'riqli nuqtasi bo'lgan mijozlarni jalb qilish, faoliyatni moliyalashtirish, raqobat kuchli bozorga mahsulotni olib kirish, ishlab chiqarishdagi muammolarga yechim izladim. Keyin esa o'rganganlarimni amalda qo'llab, biznes boshlamog'chi bo'lgan do'stlarimga bepul treninglar o'tdim. Kingadir yordam berish, bilganlarimni o'rgatish, qaysidir ma'noda hayotini o'zgartirishga sabab bo'lish meni baxtliyor qilardi. Shu tariqa biznes konsalting kasbini egallashga qaror qildim. Bunday qarorga kelishim o'zim uchun katta kashfiyot bo'ldi.

BIZNES NIMA? PUL-CHI?

Avvallari biznesga pul topish uchun bir manba sifatida qaraganman. Keyinchalik bu hayotim mazmuni, asosiy kasbinga aylandi. Biznes — bu men uchun shaxsiy rivojlanish. Pul orzularni amalga oshirish uchun ko'prik vazifasini bajaruvchi moddiy resurs hisoblanadi. Pul oilamning farovonligini ta'minlaydigan, maqsadlarimga yetkazadigan vosita, olayotgan bilimim, shaxs sifatida shakllanayotganim o'lovini ko'rsatuvchi parametrlar hisoblanadi. Pulimning miqdori kamligi yoki ko'paygani moliyaviy bilimim qandayligini belgilaydi. Men buni treninglarda ham ko'p bor takrorlayman.

Halol yo'l bilan orttirilgan boylik yaxshilikka xizmat qiladi. Bog'cha, maktab yoki machitni ta'mirlash, qurishga o'zining hissasini qo'sha olish darajasiga yetish yomon-

YOSHLARGA AYTADIGANLARIM

Eng avvalo, nima uchun tug'ildim, degan savolni o'zingizga bering. Barchaning havasini keltiradigan muvaffaqiyatli, mukammal shaxs bo'lishni istasangiz, oldingizga shunaqangi katta maqsad qo'ying-ki, bu odamlarning kulgisiga sabab bo'lsin. Maqsad ikki yo'l bilan qo'yiladi. Birinchi toifa, realistlar: "Men kimman, oddiy talaba. Hozir daromadim unchalik katta emas, shuning uchun men oldimga katta maqsad qo'ya olmayman. Nari borsa uyim, mashinam, sevimli kasbim bo'lsa bo'ldi", deydi. Ikkinchi — buyuk inson toifasidagilar esa bugungi kundagi holatiga umuman e'tibor bermaydi. Bugun qancha pul topyapti, nima yeb-ichyapti, ahmiyatsiz. Kelajakka nazar soladi, yuqori cho'qqiga qaraydi. "Men kelajakda buyuk shaxs bo'laman!", deydi. "Men katta kompaniyaga asos solaman, qo'lmda bir yarim mingta xodim ishlaydi. Yaqinlarimni, barcha qarindoshlarimni ish bilan ta'minlayman. Katta-katta xayriya ishlarni qilaman. O'zbekistonga, qolaversa, dunyoga buyuk shaxs sifatida tanilaman. Elu yurtga foydam tegadigan katta tadbirkor bo'laman". Keyin o'zlariga savol berishadi. "Shunaqa inson bo'lishim uchun nimalarni o'rganishim kerak?". So'ngra o'zgarishlar davri boshlanadi. Xayoli-ga yaxshi narxlar keladi va hech qachon tushkun kayfiyatga berilmaydi. Buyuk orzulariga ega bo'lgan insongina BUYUK kelajakni yaratadi. Orzu qilishdan to'xtamang. Unutmang, har bir inson borliqning bir bo'laki. Borliq — unda nimaiki mavjud bo'lsa, barchasini o'zozlaydi va o'z in'omlari bilan siylaydi.

Risolat MADIYEVA yozib oldi.

Yoshlik ilhomini

So'nggi istak

Muzrobnig davolanib kelganiga hali ko'p bo'lgani yo'q. Opasi og'irlashib qoldi. Timmay dadasini so'rab alahsiraydi... O'zi xohlamasa ham, opasining istagini bajarishi kerak. Darvozadan otilib chiqib, dadasi ikkinchi oilasi bilan yashaydigan hovli tomonga yugurdi. Oyoqlari qaqqash og'rirdi. Xuddi qassob ularni kundaga qo'yib qiymalayotgandek azoblanardi.

Bolaligida guzarga oqyog', un, go'sht keldi, degan xabarni eshitib, qalin qorga yalang oyoqlari botib, entikib yugurandi. Kechgacha izg'irinda navbat kutaverib, sovuq suyaklarigacha o'tib ketgandi. Ammo hozir og'riqlarga ham parvo qilmay yugurardi. Bu Suqsurning so'ngi istagi bo'lsa-chi? Dunyodagi jamiki ukalar birlashsa ham, opasiga Muzrob-chalik hech berolmaydi. Opasi qand kasaliga yo'liqqandan beri uy yumushlari bilan ovunar, ostonadan hatlamasdi. Sochlari taqim o'par, qomati sarvdek. Ko'zlari charos, xullas, Suqsurmisan Suqsur! Biron yigitning ko'ngliga tu-

shishdan, biron yigitga ko'ngli tushishidan qo'rqib, maktabni bitirdi-yu, uy qizi bo'ldi-qoldi...

Onasi ko'cha boshida pista-qurut sotardi. Tirikchiligi shundan. Ba'zan tuzukroq ish (to'y-hashamlarda idish-tovoq yuvish, maktab-bog'chalarda supur-sidir) chiqib qolsa, savdoga Muzrob qarab o'tirardi.

Bultur Muzrobnig vijdoni qiynalib, has-sasiga tayanganicha:

— Dori-darmonga pul topib kelaman, — deb shaharga ish izlab borgandi.

Unga mos ish qayog'da deysiz! Kun tik-kalamay qorni ochib, tinkasi quridi. Yo'l chetida cho'k tushib, oyoqlarini bir-bir

uqaladi. Shu payt dadasi oyimchasi bilan qizchasini yetaklab yonidan o'tib ketdi. Muzrob ularning ortidan oqsoqlanib ergashdi. Otasi uni tanimadi. Beixtiyor cho'ntak kovlay boshladi. Biroq o'g'lining mayin ovozda: "Dada!", deyishi bilan yuragi "shuv" etib, sekandani. Lom-mim demay, bir muddat yigitning yuziga tikilib turdi. O'g'lining tim qora, tutashgan qoshlari, bo'y-basti, unga bo'ydoqlik kezlarni eslatardi.

Ota esankirab, qo'lidagi uch-to'rt so'mni

« SUQSURNING PESHANASINI SIYPALAB, KO'Z YOSHLARINI TO'XTATOLMADI. SUQSUR ESA: "DADA, MENI YAXSHI KO'RASIZ-A?", — DEDI-YU...

uning qo'lga tutqazdi-da, ters burilib, qiz-chasini ko'targancha shaxdam yurib ketdi. Muzrobnig umidlari so'ndi. Qo'lidagi pulni g'ijimlagancha toshdek qotib qoldi...

Muzrob bu yili onasining qistovi bilan davolanib, hassasini tashladi. Oyoqlarining og'rig'i ancha qolgandi. Lekin bugungi zo'r berib yugurishlari dardni qayta qo'zg'adi. U tishini-tishiga qo'yib yugurardi. Manzil-ga bir-ikki qadam qolganida gursillab, yuz-tuban yiqildi...

Suqsurning joni ko'lmakdek bug'lanib borardi. Onasi nima qilishini bilmasdi. Qarshingda farzanding jon talashib yotsa-yu, qo'lingdan hech narsa kelmasa, azob! Asr namozi payti. Muzrobnig opichlab dadasi kirib keldi. O'g'lini karavotga o'tqazdi-da, Suqsurning peshanasini siypalab, ko'z yoshlarini to'xtatolmadi. Suqsur esa: "Dada, meni yaxshi ko'rasiz-a?", — dedi-yu...

Muzrob opasining qabri boshida bir qo'li bilan onasini quchib, bir qo'li bilan hassaga tayanib turar ekan, qabristonning chiqish eshigi tomon boshini quyi solib ketayotgan otasiga ko'zi tushdi. Darrov nigohini os-monni qoplagan bulutlarga qadadi. Quyoshning nurlari qora pardani ohista yirtib, uning ko'zlarini qamashtirardi.

Muhammad SIDDIQ



1 savolga 1 javob

— Oliy o'quv yurtiga kirish imtihonlaridagi savollar yuzasidan shikoyat arizasi yozish tartibi qanday?

Fayoz AHMEDOV
Navoiy shahri

Savolga yurist Farrux XUDOYBERDIYEV javob beradi:



— Apellatsiya shikoyati Davlat test markazi yoki uning viloyat bo'linmalariga topshiriladi (agar viloyatda bo'lsangiz, Toshkentga kelish shart emas, viloyat bo'linmasiga murojaat qilasiz).

Shikoyat 20-30-avgust kunlari ko'rib chiqiladi. Shikoyatingiz qabul qilingani haqida sizga 3 kun ichida javob beriladi va qachon kelishingiz aytiladi, pasport va abituriyent ruxsatnomasi bilan borasiz.

Arizada shikoyatingizni yozib, abituriyent ruxsatnomasini ilova qilasiz. So'ngra javoblar varaqasidan nusxa, noto'g'ri javoblar va test topshiriqlari ro'yxati taqdim etiladi.

Ko'proq ma'lumot olish uchun "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim muassasalarining bakalavriatiga o'qishga qabul qilish uchun kirish test sinovlarini o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomi" bilan tanishib chiqishingiz mumkin.

» Bilasizmi?



Yerdagi tortishish kuchi sabab, inson umurtqasi qisilgan holda hayot kechiradi. Kosmosda esa uning bo'yi 5 santimetrga cho'ziladi.

Giperion — daraxtlar ichida eng kattasi bo'lib, uning balandligi 115 metr. U o'rta-cha 800 yil umr kechiradi.



Har daqiqada Googlega 2 million, Yandexga esa 195 mingdan ortiq so'rov kelib tushadi.

» Ogohlik — davr talabi

OLOV ISHI — QOVURMOQ

Nima yaxshi-yu, nima yomonligini hali bilmaydigan bola til-siz yov — olov bilan o'ynab, katta yong'inga sababchi bo'lishi hech qor emas.

Yashnobod tumani K.Zohidov ko'chasida istiqomat qilayotgan to'qqiz yoshli Toirning sho'xligi xonadoniga katta talafot keltirdi. Chaqmoqtoshni o'ynab o'tirgan bola darparda yaqin-ga olovni olib keldi. Oqibatda 120 kvadrat metr maydonni o'z ichiga olgan xonadon jihozlari va uying tom qismi yonib kul bo'ldi.

Yong'in o'chirilmagan dazmol, qo'lbola pech va shunga o'xshash ruxsat etilmagan jihozlari, e'tiborsizlik tufayli yuzaga keladi.

Yong'inni o'chirishdan ko'ra, uning oldini olgan afzal. Biroq fuqarolarimiz olovdan foydalanish qoidalarini to'liq bilmasligi yoki anglasa-da, beparvolidigan hamon yong'inlar yuz bermoqda. Sohamiz xodimlari amalga oshirayotgan ishlar insonlar hayoti osoyishtaligini ta'minlaydi. Yong'in xavfsizligi xizmati xodimlari xonadoningiz hech qachon yong'indan talafot ko'rmasligini istaydi.

Murod TURSUNOV,
Prezident Administratsiyasi binosini yong'indan muhofaza qiluvchi yong'in xavfsizligi bo'linmasi kichik inspektori, serjant

MUASSIS
O'ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI
MARKAZIY KENGASHI

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2017-yil 2-avgustda № 0242 raqami bilan qayta ro'yxatdan o'tgan.

BOSH MUHARRIR
Faxriddin KARIMOV

TAHRIR HAY'ATI

Mansur Bekmurodov, Begmat Ochilov, Madamin Safarov, Azim Mirzajonov, Mehrnoz Abbosova, Ra'no Shodiyeva, Shodmonqul Salomov, Hamza Abdullayev — bosh muharrir o'rinbosari ("Yoshlar ovozi"), Irina Kochergina — bosh muharrir o'rinbosari ("Молодежь Узбекистана"), Javlon Vafoyev — mas'ul kotib ("Yoshlar ovozi"), Yelena Kalinina — mas'ul kotib ("Молодежь Узбекистана")

Navbatchi

Hasan

USMONOV

Dizayner

Xurshid

ABDULLAYEV


Tahriyati manzili: 100083, Toshkent,

Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Telefonlar: (71) 150-22-74,

(71) 233-95-97,

(71) 233-79-69 (faks)



"Sharq" nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida, A-2 formatda chop etildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Korxonada manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Indeksler: 203, 3203

Bahosi kelishilgan narxda.

Buyurtma G-713

Adadi — 19063

Bosilgacha topehirlash vaqti — 21.00

Topshirildi — 22.35